

# O'ZBEKISTON

## OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 24-iyun • Shanba • 72 (27.564) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan


• **Таълим ва тараққиёт**

Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўётган янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади. Фақат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

Ислом КАРИМОВ



## ФИДОЙИЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИК САМАРАСИ



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**МИНСК, 23 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).**

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятининг саммитида қатнашиш учун Минскка ташриф буюрган олий мартабали меҳмонлар Беларусь Миллий кутубонасининг янги бунёд этилган биносига йиғилди. Бу ерда Давлатлараро кенгашининг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов қатнашдилар.

Ҳамжамият Божхона иттифоқини тузиш ва ягона иқтисодий макон барпо этиш жараёнини жадаллаштириш, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо тизимига интеграциялаштириш аҳолининг ҳаётини яхшилашнинг мувофиқлаштириши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг асосий вазифалари сирасига эркин савдо тартибини расмийлаштириш яқини етказиш, умумий божхона тарифларини, умумий молия бозорини, транспорт хизматининг ягона бозори ва ягона транспорт тизимини, умумий энергетика бозорини шакллантириш, сармояларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, савдо-сотикнинг умумий қоидаларини жорий қилиш, давлатлараро мақсад-

ли дастурларни амалга ошириш, аёзо мамлакатлар фуқароларига бутун Ҳамжамият ҳудудига таълим ва тиббий ёрдам олишда тенг ҳуқуқ яратиш, миллий қонун ҳужжатларини ўзаро яқинлаштириш каби масалалар кирди.

Ҳамжамиятнинг 2004-2006 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурда умумий вазифаларни ҳамкорликнинг янги шакли ва механизмларини ишга солган ҳолда бажариш кўзда тутилган. Шу тариқа ягона умумий бозор ташкил қилиш мумкин. Интеграция йўлидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари эса Божхона иттифоқини тузиш, ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргалликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, Транспорт иттифоқини ташкил этиш ва аёзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Бу йўналишларнинг барчаси ўзига хос масалаларни ҳал этишни назарда tutadi. Масалан, транспорт соҳасидаги тариф сиёсатини ўзаро мослаштириш, юк ташиш ҳажминини ошириш, божхона қоидаларини энгиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Энергетика соҳаси сув-энергетика захираларини биргалликда ўзлаштириш, электр энергияси таъминотини яхшилашни, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни талаб қилади. Агросаноат маж-

муи ўзаро келишилган қишлоқ ҳўжалиги сиёсатини юритиш, озиқ-овқат бозорини шакллантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларини камайтириш, ушбу соҳада сўғурта, банк, лизинг, биржа каби институтларни барпо этиш масалаларини қамрайди.

Давлатлараро кенгаш — Ҳамжамиятнинг олий органидир. Бундан ташқари, ташкилот ҳузурда Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, Ҳамжамият суди фаолият кўрсатади. Шунингдек, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, сўғурта, транспорт, энергетика каби алоҳида соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар тузилган.

Минск учрашуви Ҳамжамиятнинг жорий йилдаги иккинчи саммитидир. Ўзбекистоннинг аёзо бўлиши муносабати билан ўтказилган биринчи саммит 21 январь кўни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бўлган эди. Унда мамлакатимиз Ҳамжамиятга аёзо бўлиб киришининг тартиби белгилаб олинган эди. Бугунги саммитда бу жараён натижалари сарҳисоб қилинди.

Президентларнинг келишувига биноан Ўзбекистон жорий йил охирига қадар Ҳамжамиятга амал қилаётган барча битимларга қўшилиши керак. Мамлакатимиз шу чоққача 20 битимни ратификация қилди ва айни пайтда яна олти хужжатни тасдиқлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кўни муносабати билан самарали фаолият кўрсатаётган хотин-қиз журналистлардан бир гуруҳи Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига таклиф этилди.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини фоллаштириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётдан қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида кўп қанчалик ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг бари мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари томонидан мунтазам ёритилаётди. Бироқ бугунги глобаллашуви, ахборот хуружлари кучайган жараён журналистлардан янада фолроқ бўлишни, қаламга олиётган мавзуга теран кўз, юксак масъулият билан ёндашувини талаб этмоқда. Эеро, юртимиз аёлларининг мақсад ва муддаоларини, орзу-интилишлари-

ни, уларни ўйлантираётган муаммоларни матбуот, телерадиоканалларда кенгроқ акс эттириш мўҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда оммавий ахборот воситаларида кўп йиллар фаолият кўрсатган бир гуруҳ фахрий журналистларга, шунингдек, матбаа ходимлари ҳамда ёш ижодкорларга Республика Хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.И.Имомова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

• **ЎзХДП ҳаёти**

## ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БАНДЛИК МУАММОСИ

Қарши шаҳридаги С.Насафий номли вилоят кутубонасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган вилоят, туман, шаҳар кенгаши депутатлари иштирокида «Аҳолининг бандлик муаммоси, партиянинг ҳудудлар бўйича дастурий вазифалари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Уни вилоят партия Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлари гуруҳи раҳбари О.Равшанов олиб борди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори асосида ташкил этилган ушбу семинардан кўзланган мақсад партиямиздан сайланган депутатларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, уларнинг ўз сайловчилари ҳамда партия олдидagi бурч ва мажбуриятларини тўлақонли англаб етишларига кўмак бериш, шунингдек, аҳолининг бандлик муаммоси ва уни ҳал этишда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат.

Семинарда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси М.Нормуродов, Олий Мажлис Сенатининг бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси ра-

иси ўринбосари А.Олтиев, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Эшнаев, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б.Йўлдошев, Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюмлари вилоят филиали бош мутахассиси Б.Муродов, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси, ўринбосари И.Аҳмедов ҳамда Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари М.Ражабовлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнининг бориши, мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлаётгани иқтисодиётга ўзининг ижобий самарасини бераётганини таъкидладилар. Шу билан бирга янги иш ўринларини яратиш, ўқув юрларини битирган ёшларни ишга жойлаштириш муаммолари ечими ҳусусида фикрлашдилар, ушбу масалага тегишли идоралар вакилларининг эътиборини қаратдилар.

Семинар ишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Музаффар ТУРОПОВ,**  
**Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси ўринбосари**

• **Муносабат**

## МАНФААТ ВА ХАВФСИЗЛИК ЯХЛИТЛИГИ — БИРЛИКДА

Ўтган ҳафта мамлакатимиз ташқи сиёсати учун гоят самарали бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 15 июнь кўни Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган мажлиси ҳамда 17 июнь кўни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммитида иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари бу нуфузли анжуманларда нафақат иштирок этди, балки геосиёсий аҳамиятга эга бўлган ташаббус ва гояларни илгари суриб, уларга қатор давлатлар эътиборини қаратди. Президентимизнинг бу иккала саммитда сўзлаган нутқлари матбуотда босилгани яхши бўлди. Айтиш мумкинки, уларда илгари сурилган фикрлар ҳар бир кишини мушоҳада қилишга чорлайди.

Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Президентимиз халқаро ҳамжамият томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракат-

ларга қарамай, жаҳон бўйлаб хавф-хатар камаймаётганлиги, минтақа мамлакатлари ўртасида муносабатларга совуқчилик тушириш, уларни мўқбил давлатлараро бирлашмаларни шакллантириш бўйича турли геосиёсий комбинацияларга тортишга астойдил уринишлар давом этаётганлигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, минтақадаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни баҳрлашда келишилган ёндашувлар ҳамда радикализм, экстремизм мафқураси хуружи ва миллатчилик кўринишларига қарши жавоб ҳаракатларини ишлаб чиқиш зарур. Президентимиз томонидан сув-энергетика ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи ҳам илгари сурилган минтақа давлатлари иқтисодий ҳамкорлигининг ривожига айни муддаодир. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласи саммит кўни тартибидан ўрин олгани муҳим ҳаракатга эга. Бизнингча, сувдан фойдаланиш бўйича чегара бўлмаслиги керак. Бу неъмат табиатнинг инъоми. Дарё ва ўзанлардан қайси

мамлакатлар сув бошида бўлишидан қатъи назар, шу ҳудуддаги халқлар бирдек, сунъий тўсиқларсиз ва оқилона фойдаланишга ҳаққидирлар.

Президент Ислам Каримов Олмаота саммитида сўзлаган нутқиди сиёсат майдонидида айрим хатти-ҳаракатлар, хусусан, сиёсий савдосизлик, бошқа халқларнинг кўп асприк аъёнлари, турмуш-тарзи ва менталитетига беписанд муносабатда бўлиш қабилига алоҳида эътибор қаратди. Юзлаб миллат ва элатларнинг мўқаддас дини бўлиши ислом динини халқаро терроризмга боғлаш, Мухаммад алайҳиссаломнинг шаъни Фарб матбуотида таҳқирланиши миллионлаб одамларнинг нафсониятига тегаётганлигини очиб ва баралла гапирди. Бу ўз «демократия»сини андازа сифатида кўрсатуви, барча нарсаларни қилишим мумкин, деб ўйлайдиган айрим давлатларга ёқмасда, лекин кўпгаб кишиларнинг айни кўнглидаги гап бўлди.

Президентимиз Осиёда ҳамкор-

лик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш фаолияти ҳақида тўхталар экан, ишонч чоралари бўйича тавсиялар умумий гаплар билан чегараланмасдан, аниқ йўналишга, халқаро жамоатчиликни ташишига солаётган муайян мोजароли вазиятларга қаратилиши лозимлигини таъкидлаб, ўзининг узқоқни кўра оладиган сиёсатчи эканлигини яна бир бор намоён этди.

Айтиш жоизки, бўлиб ўтган саммитларда асосий фикр тинчликни сақлаш, турли мोजароларни ҳал этиш, тотувлик ва згуликка бориб тақалди. Бундай нуфузли анжуманларда, давлатлар згулиқини исташар экан, бу аввало, ўша ерда фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб сиёсат олиб борилаётганлигидан далолатдир.

Азал-азалдан маълумки, аҳиллик бўлмаган гўшадан барка қочади. Масалан, Афғон юртидаги но-тинчлик туфайли унинг халқи бири неча йиллардан бери азобда. Аслида, бу охири ўйланмасдан олиб бориладиган сиёсат, аниқроқ айтиладиган бўлсак ўзини ҳўқмон давлат,

деб биладиган баъзи мамлакатларнинг бу юрт ички ишларига аралашуви натижасидир.

Бугун ҳам ўзининг сохта демократиясини ниқор қилиб, турли мамлакатлар, айниқса, минтақамизга қарши бўҳтон ва ўйдирмалар билан дунё оммавий-ахборот воситалари орқали жар солаётган давлатлар йўқ эмас. Бу ҳаракатлар бор экан, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари ва хавфсизлиги яхлитлиги та-моийлидан келиб чиқиб, ҳаммамиз учун умумий бўлган таҳдидларга қарши курашда ягона позицияда туриб иш тутмоқ муҳим аҳамият касб этади». Шундай экан дини, ирқидан қатъи назар, згулик атрофида барча миллат ва элатлар бирлашишлари зарур. Бундан барча мамлакатлар фақат фойда кўради.

**Зокиржон ХОЛМАТОВ,**  
**Хўсиниддин БЕРДИЕВ,**  
**Ўзбекистон ХДП**  
**Марказий Кенгаши маъсул ходимлари**

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар аниқлаш

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26  
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар аниқлаш

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJRA MARKAZI**

**MULKIDORGA HANKORI!**

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bijra@mail.tps.uz

Хизматлар аниқлаш

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари

Сизнинг муваффақиятингиз учун!

**ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНИЗ КАЛИТИДИР**

Хизматлар аниқлаш

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умуман олганда, Ўзбекистон томони барча битимларни кўриб чиқмоқда ва бу мамлакатимиз Ҳамжамият доирасидаги мажбуриятларини бажармоқда, дейиш учун асос бўлади.

Бундан ташқари, саммитда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг (МОХТ) Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш тартиби билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Чунки интеграция жараёнида илгирчилик бўлиши тартиби таъминлаш учун МОХТ томонидан тузилган қатор муҳим ҳужжатлар, хусусан, сув-энергетика захираларидан фойдаланишга оид битимлар Ҳамжамият талабларига мослаштирилиши керак.

Президентлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантиришнинг стратегияси ва тактикаси юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Молиявий ва иқтисодий масалалар бўйича кенгаширинг ҳисоботини кўриб чиқилди.

Ҳамжамият ташкилотининг фаолиятининг концепциясини ишлаб чиқиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Унинг ҳалқаро ташкилотлар ва молиявий тузилмалар билан алоқалари фаоллаштириш бормоқда. Масалан, яқинда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг қўйиқлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, Европа иқтисодий комиссияси билан музокаралар ўтказилди.

Давлатлараро кенгаширинг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Ҳамжамиятни ривожлантириш масалаларининг муҳокамаси давом эттирилди. Унда тузилмин тароққий элтиришнинг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Президентлар Ҳамжамият бюджетини шакллантириш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низомиинг янги лойиҳасини кўриб чиқилди.

Мажлисида Президентлар Ҳамжамият фаолиятини такомиллаштиришга, унинг доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Қатор ташаббуслар, дастур ва лойиҳалар юзасидан фикр алмашдилар. Божхона иттифоқини тузиш борасидаги ишларни жадаллаштириш масаласини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ҳақида тўхталиб, бунда хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Ҳар қандай тузилма доирасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик ривожланиши учун, аввало, у қамраган ҳудудда вазият барқарор бўлиши керак, деди Ислам Каримов.

Учрашув қатнашчилари Евроосиё спорт уйинлари ва Евроосиё халқларининг санъат фестивалини ўтказишга келишиб олдилар.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасидаги музокаралар якунига етган, Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон раҳбарлари иштирокида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон ушбу ташкилот ишида қатнашиш тўғрисидаги мораторийни бекор қилгани эълон қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон раҳбариятининг мазкур қарори Коллектив хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлишини таъкидладилар.

Мажлисида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, террорчилик, экстремизм, нарқобизнес, уюшган транснационал жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Матълумки, 2004 йилнинг 2 декабрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига БМТ Бош ассамблеясида қўзғатилган мақоми берилган.

Шартномага кўра, аъзо давлатлар ўз хавфсизлигини коллектив асосда таъминлайди. Яъни, аъзо давлатлардан бири рортасининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитети, хавфсизлигига таҳдид солинса, барча иштирокчи мамлакатлар қўшма маслаҳатлашув механизмини ҳаётга солиб, юзага келган таҳдиднинг олдини олиш учун сай-ҳаракатларини мувофиқлаштирилади.

Шунингдек, ташкилотга аъзо бирор давлат ташқи ҳужумга учраса, қолган давлатлар унга ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий жиҳатдан зарур ёрдамни кўрсатади.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг низоми ҳамда ташкилотнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги битим 2002 йилнинг 7 октябрида имзоланган ва 2003 йилнинг 18 сентябрида қўлга кирган.

Президентлар хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини Коллектив хавфсизлик кенгаширининг кенгайтирилган тартибдаги сессиясида давом эттирдилар.

Коллектив хавфсизлик кенгаши — ташкилотнинг олий органи. Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини ҳузурида Котобият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашилари, хавфсизлик кенгашилари қотибларининг қўмитаси, Бирлашган Штаб фаолият юритади.

Президентлар ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашилари, хавфсизлик кенгашилари қотиблари қўмитаси мажлисларида ишлаб чиқилган ҳулоса ва тавсияларни кўриб

чиқдилар.

Таъкидламоқ жоизки, ташкилотнинг моҳияти, унинг доирасидаги ҳамкорликнинг тамойил ва шакллари Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини Евроосиёдаги бутун хавфсизлик тизимининг муҳим бўлишига айлантди. Унга аъзо давлатларнинг аксарияти Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Коллектив хавфсизлик шартномаси 1992 йили Тошкентда имзоланганини, 1998 йил Ўзбекистон у билан ҳамкорликни тўхтатганини айтди. Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот фаолиятида яна иштирок этиш сабаблари эса Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши билан боғлиқ.

Иқтисодий ҳамкорлик фақат хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади. Президентлар ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Матбуот анжуманида айтилганидек, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти саммитида Божхона иттифоқини барпо этишни жалдлаштириш учун жорий йил охиригача ички тартиб-қоидаларни кўриб чиқишга қарор қилинди. Шунингдек, Президентлар Ҳамжамиятнинг ташқи сиёсий фаолиятига доир концепцияни таъкидладилар.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини доирасидаги музокаралар натижасида эса ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини оширишга қаратилган сиёсий декларация имзоланди. Хавфсизлик органларининг террорчилик ва нарқобиздаги қарши ҳамкорликдаги курашига оид дастур қабул қилинди.

Матбуот анжуманида музокаралар очилди, ўзаро жўрмалар ва манфаатдорлик руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. Бугунги учрашувлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотини доирасидаги музокараларни кўриб чиқилди.

Ислам Каримов мулоқотлар мазкур ташкилотларни ривожлантириш, минтақа ва дунёда рўй бераётган воқеалар юзасидан эркин фикр алмашиш, ҳулоса чиқариш учун яхши имконият яратганини таъкидлади.

Шу билан Мисқода икки муҳим саммит якунига етди. Уларнинг натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция жараёнида янада фаоллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

# ХАЛҚИМИЗ, ЮРТИМИЗ УМИДЛАРИ

Тошкентда мактаб битирувчиларининг «Истиқлол умидлари-2006» кечаси бўлиб ўтди

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзи саҳасида ва Ўзбекистон Республикаси Банкар ассоциациясига қарашли стадионда мактаб таълимини якунлаб, катта ҳаётга қадам қўётган ёшларни кутлаш учун ташкил этилган «Истиқлол умидлари-2006» битирув кечаси бўлиб ўтди. Тадбирга пойтахтимизнинг умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари, уларнинг ота-оналари, устозлари таклиф этилди.

«Давлатимиз мадҳияси янграганида унга минглаб ёшлар — тадбир иштирокчилари жўр бўлдилар.

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва барқамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад йўлида кен қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Катта таълимни ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури бу борада муҳим дастурламалар бўлмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари кўпайиб бугун ўзгариб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Мукаммал таълим бериш борбариди, ёшлар онга ва қалбига шонли тарихимизга ҳурмат, миллий истиқлол гоғларига садоқат, она-Ватанимизга муҳаббат туйғулларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бу йил мамлакатимиз бўйича 260 миңдан ортиқ жумладан, пойтахтимизда салкам ўн миң нафар ўқувчи ўн биринчи синфни тугатиб, етулик шаҳодатномасини қўлга олади.

Саҳнага Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг «эло» баҳолагарга тамомлаган йигит-қизлар кириб келади. Оловқалб ёшларнинг азму шижоатига боқиб, сафимиздан ана шундай янги авлодининг мустаҳкам ўрин олаётганидан қалблар чўқур ҳаяжонга тўлади. Ёш ав-



Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА) олган сурат

лодининг таълим-тарбияси йўлидаги эзгу ишлар бугун ўзининг ширин мевасини бераётганидан фахр-ифтихоримиз ошади.

Бу йилги «Истиқлол умидлари» фестивали Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Фарзандларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб тарбиялаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг ҳамма қисмида биз жўрлик билан иштирокчи бўлишимиз керак. Негаки, ҳалқимизнинг соғлиғи, қомил фарзанд тарбияси саҳий қилиб сохибларига ҳам боғлиқдир.

«Хеч қимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» «Азиз синфдошларим!» «Бахтли болалар!» каби театрлаштирилган музикавий томошалар ўрнини «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур!» сахнавий кўрсатиши олади. Саҳнага халқаро спорт мусобақалари, ёшлар ўртасидаги Олимпиадалар, жаҳон ўйинлари қолиб-

ри кириб келади.

Ёш авлод қамолоти йўлидаги хайрли юмушлар қўламли мамлакатимиз Президентини томонидан эълон қилинган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида янада кенг қўламли бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш боробариди, янгида янги табибнинг муассасалари, сиҳатгоҳлар барпо этилмоқда. Тадбирнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили мазмун-моҳиятига бағишланган қисмида бу жиҳатлар яна бир бор ўз аксини топди. Негаки, ҳалқимизнинг соғлиғи, қомил фарзанд тарбияси саҳий қилиб сохибларига ҳам боғлиқдир.

Таниқли санъаткорлар, эстрада хонандалари, ёш кўшиқчилар ижросида Ватани, истиқлолни, тинчлик-осойишталик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамжамиятнинг тараннум этувчи қўй-қўшиқлар янгради.

Биз тадбир иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашдик. **Наргиза Исломова, 13-ўрта мактаб ўқувчиси:** — Мамлакатимизда қайси соҳада бўлмасин, изчиллик билан рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар ягона мақсад — юртимиз келажак бўлиши ёшларнинг нурли истиқболи йўлида амалга оширилатир. Бунинг ўқувчиларимизнинг

натини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳам аққол кўрсатиб турибди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан муамлилик бугун юртимизда энг шарафли ва ардоқли касба айланди. Бу бекиз эмас, албатта. Зеро, ёшларда фаол фуқаролик позицияси, фидойилик, юрт келажак ва тақдирини ўзининг қўли билан қўлаб-қувватлаш каби қадриятларнинг шаклланишида ҳам янги ўқувчиларнинг ҳиссаси бекиётир.

**Сарвар Усмонов, 265-мактаб битирувчиси:**

— Жонаҳон мактаб, меҳрибон устозлар, қадрдон синфдошлар билан айрилариш осон эмас. Бирок истиқболда бизни катта ва мустақил ҳаёт кутмоқда. Орузим — ахборот технологиялари бўйича етуқ мутахассиси бўлиш. Президентимиз Интернет, компьютер ва ахборот технологиялари соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Негаки, бугун телекоммуникация соҳасида миллий мутахассислар мамлакатимизга жуда-жуда зарур. Бугун ҳар бир тенгқуримиз қайси касб ёки ўқилиши танаҳмасин, авло ўқиши, ҳалол ва фидойи меҳнати билан Ватанимиз ривожига ҳисса қўшишни ўзи учун шараф деб билимкоқда.

**Маҳмуда Орипова, Шайхонтоҳур туманидан, уй бекаси:**

— Уғлим Дилшод бу йил мактабни тамомлади. Шу топда мактабда ўқиган йилларим ёдимга тушди. У даврда бундай тантанали тадбирлар, ёшларга бундай эътибор қанда эди?! Етуқлик шаҳодатномасини қўлга олиб ҳар ким ўз йўлига кетар эди. Бугунги ташкил этилган тадбирлар мамлакатимизда фарзандларимиз қамолоти йўлида кўрсатилаётган мутасил ғамқўрликнинг яна бир ёрқин намунаси. Буларнинг бари ёшларимизни ҳалқимизнинг маънавий меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларнинг қадрига етишга, озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо қилиш йўлида бошланган эзгу ишларнинг нуносида давомчилири бўлишга даъват этади.

**Мавлуда Қўнариёзова, Алишер Навоий номидаги лицей-мактаб битирувчиси:**

— Мактабимизнинг «эло» баҳолагарга тамомлашимизда, аввало меҳрибон ўқувчиларимизнинг хизмати бекиёс. Орузим — Тошкент педиятир табиб институтига кириб ўқиш. Бунинг учун пухта билим олишда мактабимизда яратилган барча шартнодлар умумли фойдаланишга интилдим. Ундаги мебель, техник жиҳозлар, компьютерлар, ўқув адабиётлари, синфдонларимизга ҳавас қилса арзийди. Буларнинг барчаси биз, ёшларга кўрсатилаётган меҳр-эътиборнинг аққол намунаси. Биз бу улкан эътибор, юксак ишонччи оқлашимиз лозим.

...Саҳна яна битирувчилар эгалайди. Улар Президент, эл-юрт, ота-она ва ўқувчилар ишонччини оқлашга, Ватанимиз, буюқ аждоқларимизга нуноси бўлишга, ўзларининг бор билим ва куч-ғайратини мамлакатимиз равнақи йўлида сарфлашга ваъда берадилар.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосарлари С.Иномова, Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этиди.

**Назокат УСМОНОВА, Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА махсус муҳбирлари**

## • Шукроналик

# ЮРТ УЧУН ЁНИБ ЯШАЙЛИК

Мен бир кекса муаллимман. Мана, ярим асрдикки, мактабда ёшларга таълим-тарбия бериб келмоқдам. Бугун бир ўқувчини сифатида жамиятимида рўй бераётган ҳар бир ўзгариш, содир бўлаётган ҳар бир воқеага синчковлик билан назар ташлаб, уларнинг моҳиятидан қувонаман. Утмиш билан ҳозирги даврни таққослаб, бўлаётган бу янгилашлар истиқлол шарафатидан эканлигига шукрона айтаман.

Бугун Юртобшомиз бошчилигида мамлакатимизда олиб бораётган оқилона сиёсат замирида жаҳўйлик, халоллик, эр-танги кун учун қайғуриш ётади. Истиқлол эришган, Президентимиз раҳбарлигида, айниқса, тарихимизни, маданият-маънавий меросимизни тиклаш бўйича асрларга тенг ишлар қилинди. Дунё тан

олган аждоқларимиз — Амир Темура, ал-Фарғоний, Ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Мотуридий каби буюқ болаларимизнинг қадимқолири обод этилиб, муқаддас эътироҳларга айлантди. Бугунги ёшларимиз уларнинг оламшумул меросидан баҳраманд бўлиб, қандай улғу алломулар вориси эканлигини ҳис этишмоқда.

Президентимиз айтганларидек, ҳеч нарса мамлакатни спорт каби тезда машхур қилолмайди. Шундай экан, мамлакатимизда спортга, айниқса, соғлом авлоднинг вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилиши шу юрт келажакини ўйлаб қилинаётган эзгу ишлардир. Мана шу мақсад йўлида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, қанчалар янги спорт мажмуалари қад ростлади. Бугун уларда чинққан ёшларимиз қўлга киритаётган бекиёс ютуқ-

лари билан бугун дунёни лол этмоқда. Буларнинг барчасида эса мактаб ва ўқувчи-мураббийларнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Чунки, миллат мактабда шаклланади, уларнинг таълим-тарбияси билан ўқувчилар шугулланади. Мустақиллик йилларида халқ таълимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барча қатори мени ҳам чексиз қувонтиради. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг моҳиятини бугун аввало ёшларимизнинг ўзлари чўқур англаб боришмоқда. Бўлаётган бу ўзгаришлар, эришаётган бу ютуқларимиз фарзандларимиз ҳеч қимдан кам эмаслигини, кам ҳам бўлмаслигини дунёга намоян этмоқда. Президентимизнинг, айниқса, биз

ўқувчи-мураббийларни йўлаб, тўлақонли ҳаёт кечиртишимиз йўлида қилаётган чексиз ғамқўрликларини кўриб, кўнглимда фахр ҳисси ўйғонади. Шу билан бирга, бу ғамқўрликларга жавобан янада фидойи, фарзандларимиз таълим-тарбияси учун бундан-да масъулиятли бўлишимиз лозим, деб ўйлайман. Бу эътибор ва эъзозни оқлаш, ёш авлоднинг ҳақиқий ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда сидқидилдан хизмат қилиш биз муаллимларнинг бурчимиздир. Бугун миллат тарбиячилари бўлган ўқувчилар ана шундай олижаноб мақсад йўлида барчага ўрнак кўрсата олишларига ишонман.

**Боракат ҲАЙДАРОВ, Олмалиқ шаҳар 80-махсус интернат мактаби ўқувчиси**

**• Нуқтаи назар**

# МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

ва уларда даромадларни шакллантириш борасида мутахассис таҳлили, мулоҳазаси, таклифи

Юртобшомиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил мустақиллик йиллари иқтисодий ислохотларни чўқурлаштиришда асрларга татбиқлиқ ўзгаришларга асос солди. Айниқса, иқтисодий эркинлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва илгирчилик ўрнини таъминлаш, бюджетни соғломлаштириш, мукаммал бюджет-солиқ тизимини яратиш, иқтисодиётда тарихий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда кўп улғайди иқтисодий шакллантириш йўллари кўрсатиб берди. Айни чоғда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ўзида мужассам этган замонавий яхлит тизимни вужудга келтириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кўчатириш каби бош йўналишларни ҳам аниқравшан белгилаб олди. Хусусан, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида маҳаллий бюджет ва даромадларни шакллантиришга оид қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга бўлган эътибор кўчатирилди.

Мен бугун оддий бир мутахассис сифатида айни шу мавзуга оид ўз нуқтаи назарларимни баён этишга жазм қилдим. Маҳаллий бюджетлар мавқенин ошириш — бюджет-солиқ сиёсати самардорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омил. Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Давлат бюджет даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу... маҳаллий бюджетларга тушувларининг янги манбаларини қидириб топишни рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди.»** Маҳаллий бюджетларнинг бошқа даромадлари (юқори

бюджетдан олинадиган дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бошқа маблағларни) Жиззах вилояти маҳаллий бюджет мисолида кўрайлик: тан олиш керак, вилоятда фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчиларнинг бюджетга тўловлари маҳаллий бюджет харажатларини тўлалигича қоплаш имконини бераётди. Республика бюджетдан олинаётган маблағ қилинаётган харажатларнинг деярли 62-63 фоизини қоплаб бermoқда. Бу эса мамлакатда энг юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Тўғри, бу рақамни буткул йўқ қилиб бўлмайди, лекин, юқори бюджетдан олинаётган дотация миқдорини қамайтириш имкониятлари мавҳудлигини инкор этиб бўлмайди. Бунда давлат ҳокимияти ва бюджет тизимини бошқариш органларининг ваколатлари доирасида, бюджетни ижро этишдаги иштирокчилар ва юқлатилган вазифаларнинг бажарилишида жавобгарлик ҳамда рағбатлантириш тизими шакллантирилса, бас.

Маҳаллий бюджетларда солиқларнинг ўрнини босувчи манбаларнинг қидириб топилиши катта аҳамиятга эга. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари ўз ички имкониятларидан оқилона фойдаланиши, хусусан, боқиманда қарздорликларни ундириш чора-тадбирларини қўришлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Мана, олинг: вилоятда бюджет даромадлари ўрта ҳисобда йилга 15-20 фоиз ўсиш бериб, 2005 йилда 32,3 млрд сўм, яъни, 2003 йил тушумига нисбатан 48,8 фоизга ошган. Табиийки, бюджет харажатлари ҳам (бир жойда туриб қолмасдан) ўсишда бўлган, албатта. Бу — биринчи навбатда иш ҳақи ва унга ажратиларнинг йил сайин оширилиши, нарх навоини (коммунал тўловлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар) ўсиши ҳисобига тўғри келган. 2005 йилда бюджет харажатлари, 74,2 млрд сўмни (яъни, 2003 йилги кўрсаткичга нисбатан 38,4 фоизни) ташкил этган. Шу давр ичиде вилоятда солиқ ва бошқа тушувларнинг ўсиш кўрсаткичи бюджет харажатларининг ўсиш кўрсаткичидан озроқ бўлсада, ҳар

ҳолда юқори бўлиши таъминланган. Бу — менимча ижобий кўрсаткич. Демак, бундан кейин чикаяптики, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида маҳаллий бюджетлар аҳамияти таҳлили ҳамда бюджет ислохотлари йўналишларини ишлаб чиқишида янги концептуал ёндашувлар керак. Яъни, маҳаллий бюджетлар бошқарувида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари ҳали кўп ўрганилиши керакка ўшайди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш муаммолари ижроси йўлида молия бозорларидан жалб этилган ва мобилизация (сафарбар) қилинган (табақалаштирилган ўз маблағлари қўринишидаги) даромад тушувларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўлланилиши жоизроқ эмасмикан?

Матълумки, маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзларига тегишли ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида олинадиган даромадлар тулик маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилади. Бюджет даромадларини оширишнинг энг асосий йўли эса, бу — ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш ва солиқ тўловчилар сонини кўпайтиришдир. Бунинг учун маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларини ислоҳ қилиш, солиқ тушувларини ошириш керак бўлади. Солиқлар қатори солиқсиз йиғимлар ҳам бюджет манбаси бўлиши лозим. Чунки, биласиз, солиқ юқини ошириш чегараланган. Қолаверса, маҳаллий бюджетлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига тегишли ҳудуддаги хусусий ва кичик бизнесни янада ривожлантиришлари, маҳаллий ҳомаёб ҳисобига ишловчи янги қўшма корхоналар қуришлари ва шу йўл орқали солиқ манбаларини кўпайтириб боришлари эндиликда замон талаби бўлиб қолмоқда. Зеро, улар ўз даромадлари манбаларининг кўпайишидан манфаатдордир.

ТОШГУЗАР — БОЙСУН — ҚУМҚҮРҒОН:

# ЯНГИ ТЕМИРЙҮЛ — СТРАТЕГИК ИНШООТ



